

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 98-ҳадис

98 - وَعَنْ أَبِي مُحَمَّدٍ كَعْبِ بْنِ عُجْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: حَرَجَ عَلَيْنَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فُقُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَدْ عَلِمْنَا كَيْفَ نُسَلِّمُ عَلَيْكَ فَكَيْفَ نُصَلِّيْ عَلَيْكَ؟ قَالَ: «قُولُوا: اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ، وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَّجِيدٌ. اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ، وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا بَارَكْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَّجِيدٌ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абу Муҳаммад Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бизнинг ҳузуримизга Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам чиққан эдилар, биз у Зотга: «Эй Аллоҳнинг Расули, сизга қай тарзда салом йўллашни билдик. Лекин, қандай қилиб сизга салавот айтамыз?» десак, у Зот: «Аллоҳумма солли ʼала Муҳаммадин ва ʼала оли Муҳаммадин кама Соллайта ʼала оли Иброҳима иннака ҳамидум мажид. Аллоҳумма борик ʼала Муҳаммадив ва ʼала оли Муҳаммадин кама барокта ʼала оли Иброҳима иннака Ҳамидум мажид», деб айтишлар», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Амалнинг қабул бўлиш шартлари ихлос ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишдир. Яъни, банда шариатдаги нарсаларга амал қилган ҳолида Роббисига ихлос билан амал қилади. Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларга қандай салавот айтишни ўргатмоқдалар. Саҳобалар бундан аввал қандай салом айтишни ўрганишган эди. Салавотни қандай айтишни билишмагани учун уларга юқоридаги салавотни ўргатмоқдалар.

Ушбу салавот кўринишида ҳеч қандай зиёдалиқ, нуқсон ва баъзиларга ўхшаб ғулувга кетиш йўқдир. Аллоҳ таоло бу ҳақда: "(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), айтинг: "Агар сизлар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. (Шунда) Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) Мағфират қилгувчи, меҳрибондир" (Оли имрон сураси, 31-оят).

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Муслмон киши амаллари мақбул бўлишини истаб илм аҳлиларидан сўрайди.
2. Муслмон киши тавҳиднинг асли Иброҳим алайҳиссалом қўлларида юзага келганини эслайди.
3. Муслмон киши Пайғамбар алайҳиссаломга айтиладиган саҳиҳ салавотни ёдлаб олади.
4. Муслмон киши Пайғамбар алайҳиссаломнинг оилаларини севади ва улар ҳаққига дуо қилади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI